

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1607-ҳадис

1607/4202 – عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدِ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اتَّقَى هُوَ وَالْمُشْرِكُونَ فَاقْتَتَلُوا، فَلَمَّا مَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى عَسْكَرِهِ وَمَالَ الْأَخْرُونَ إِلَى عَسْكَرِهِمْ، وَفِي أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلٌ لَا يَدْعُ لَهُمْ شَاذَةً وَلَا فَاذَةً إِلَّا اتَّبَعَهَا يَضْرِبُهَا بِسَيْفِهِ، فَقِيلَ: مَا أَجْزَأَ مِنَّا الْيَوْمَ أَحَدٌ كَمَا أَجْزَأَ فُلَانٌ!! فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّهُ مِنْ أَهْلِ النَّارِ، فَقَالَ رَجُلٌ مِنَ الْقَوْمِ: أَنَا صَاحِبُهُ، قَالَ: فَخَرَجَ مَعَهُ، كَلَّمَا وَقَفَ وَقَفَ مَعَهُ، وَإِذَا أَسْرَعَ أَسْرَعَ مَعَهُ، قَالَ: فَجَحَّ الرَّجُلُ جُرْحًا شَدِيدًا فَاسْتَعْجَلَ الْمَوْتَ، فَوَضَعَ سَيْفَهُ بِالْأَرْضِ وَدُبَابَهُ بَيْنَ تَدْيِيهِ، ثُمَّ تَحَامَلَ عَلَى سَيْفِهِ فَقَتَلَ نَفْسَهُ، فَخَرَجَ الرَّجُلُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: أَشْهَدُ أَنَّكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: وَمَا ذَاكَ؟ قَالَ الرَّجُلُ: الَّذِي كَذَرْتَ أَنْفًا أَنَّهُ مِنْ أَهْلِ النَّارِ، فَأَعْظَمَ النَّاسُ ذَلِكَ، فَقُلْتُ: أَنَا لَكُمْ بِهِ، فَخَرَجْتُ فِي طَلْبِهِ، ثُمَّ جِحَّ جُرْحًا شَدِيدًا فَاسْتَعْجَلَ الْمَوْتَ، فَوَضَعَ نَصْلَ سَيْفِهِ فِي الْأَرْضِ وَدُبَابَهُ بَيْنَ تَدْيِيهِ ثُمَّ تَحَامَلَ عَلَيْهِ فَقَتَلَ نَفْسَهُ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عِنْدَ ذَلِكَ: إِنَّ الرَّجُلَ لَيَعْمَلُ عَمَلَ أَهْلِ الْجَنَّةِ فِيمَا يَبْدُو لِلنَّاسِ، وَهُوَ مِنْ أَهْلِ النَّارِ، وَإِنَّ الرَّجُلَ لَيَعْمَلُ عَمَلَ أَهْلِ النَّارِ، فِيمَا يَبْدُو لِلنَّاسِ، وَهُوَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ.

1607.4202. Саҳл ибн Саъд Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мушриклар билан тўқнашиб, (икки томон) жанг қилишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз аскарлари томон қайтиб, бошқалар ҳам ўз аскарлари томон қайтганда у зотнинг саҳобалари ичидан бир киши анавиларнинг қочгану қўшилмаганларини ҳам қўймай қувиб, қилич сола кетди. Ҳатто «Бугун ҳеч биримиз фалончичалик иш қилгани йўқ», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳой, у дўзах аҳлидан», дедилар. Қавмдан бир киши: «Мен унга ҳамроҳман»,

деди-да, у билан бирга чиқди. Қачон тўхтаса, бирга тўхтар, тезласа, бирга тезларди. Бояги одам қаттиқ ярадор бўлди. Шунда у ўлишга шошилди: қиличининг дастасини ерга, учини кўксига қўйди, кейин қиличга оғирлигини солиб, ўзини ўлдирди. Бояги киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига чиқиб, «Гувоҳлик бераманки, сиз Аллоҳнинг Расулисиз!» деди. У зот: «Нима бўлди?» дедилар. У шундай деди: «Бояги кишини дўзах аҳлидан деб зикр қилган эдингиз, одамларга бу оғир келди. Шунда мен: «Мен сизларга бунини (билиб бераман)», дедим-да, унинг кетидан чиқдим. Кейин у қаттиқ яраланган эди, (оғриққа чидай олмай) ўлимга шошилди: қиличининг дастасини ерга, учини кўксига қўйиб, кейин қиличга оғирлигини солиб, ўзини ўлдирди». Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Бир киши одамларнинг назарида жаннат аҳлининг амалини қилади, ҳолбуки, у дўзах аҳлидан бўлади. Бир киши одамларнинг назарида дўзах аҳлининг амалини қилади, ҳолбуки, у жаннат аҳлидан бўлади».

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

